
Қувада "Президент арчаси" байрам тадбирлари давом этмоқда

Ҳар байрамнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бироқ Янги йил байрами болажонлар учун унутилмас таассуротларни ҳадея этади. Байрамона безатилган арча, Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонлари жажжи юракларда ҳар йили қайта жонланади. Қува туманида ташкилланаётган "Президент арчаси" байрам тадбирлари эса болажонларга олам-олам завқ бағишламоқда.

Байрам тадбирида туман ҳокими Халимжон Умаров ва сектор раҳбарлари ҳам қатнашиб, иштирокчиларни Янги йил билан қизғин қутладилар. 2023 йилда ҳам хонадонларда тинчлик-тотувлик, тўкин-сочинлик, файзу барака ҳукмрон бўлсин, дея эзгу тилаклар билдирилди.

Туман маданият бўлими ходимлари, ёш ижрочилар томонидан намойиш қилинган концерт дастури барчага Янги йил қувончини улашди. Ва албатта, болалар учун аталган байрам совғалари уларнинг чексиз-чегарасиз шодлигига сабаб бўлди.

Байрам тадбирлари жойларда давом этмоқда.

2022-12-28 17:34:35